



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 65 (12.626)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўзбекистон
Табиатни муҳофаза
қилиш давлат
қўмитаси томонидан
«Тошкент шина
тиклаш заводи»
масъулияти
чекланган
жамиятига медиатур
ташкил этилди.



АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИГА ҲИССА ҚЎШАДИ

да атроф-муҳит му-
саффолигига зарар
етказмоқда.

Тегишли идоралар
ҳамкорлигида ушбу
муаммони бартараф
этиш бўйича муайян
ишлар амалга ошири-
лаёттир. Аҳоли, корхона ва ташкилотлар-
дан резина маҳсулотлари, жум-
ладан, ишлатиб бўлинган покреш-
каларни йиғиш ва уни қайта иш-
лайдиган корхоналар фаолияти-
ни ривожлантиришга алоҳида
этибор қаратилмоқда.

«Тошкент шина тиклаш заво-
ди» замонавий техника ва техно-
логиялар билан жиҳозланган.
Корхонада қайта ишланаётган ши-
налардан олинаётган каучукдан
бир неча хил резина маҳсулоти
ишлаб чиқарилмоқда. Қайта ишлаш

жараёнида ажратилаётган сим
«Ўзметкомбинат» очик акциядор-
лик жамиятига топширилмоқда.

Йилига бир минг 500 тонна ре-
зина чиқиндисини қайта ишлаш
қувватига эга заводда тайёрлан-
ган товарлар шартнома асосида
«Ўзбекистон темир йўллари»,
«Ўзавтосаноат» компаниялари ва
бошқа корхоналарга етказиб
берилаёттир.

– Эски шиналарни йиғиш
бўйича ишларни изчил ривожлан-
тирмоқдамиз, – дейди корхона
раҳбари Саидқарим Фозилов. –
Шунингдек, мавжуд технология-
ларни яхшилаш, ишлаб чиқариш
ҳажмини ошириш ҳамда янги иш
ўринлари яратиш чоралари
кўриллаёттир.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

НАВРЎЗ БМТНИНГ ВЕНАДАГИ БЎЛИМИДА НИШОНЛАНДИ

Яқинда Бирлашган Миллатлар
Ташкилотининг Вена шаҳрида
жойлашган бўлимида Наврўз
байрамига бағишланган тадбир бўлиб
ўтди. Унда Австрияда аккредитациядан
ўтган халқаро ташкилотлар ва
дипломатия миссияларининг уч юз
нафардан ортиқ вакили иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Австриядаги
элчихонаси билан бир қаторда Озарбойжон,
Афғонистон, Қозоғистон ва Туркменистон дип-
ломатия миссиялари ушбу байрам тантанаси-
нинг ташкилотчилари бўлди.

Тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг
Венадаги ваколатхонаси номидан Бўлим бош
директори ўринбосари Жан-Люк Лемахонинг
табрик нутқи билан бошланди.

Кайд этилганидек, Наврўз янги йил кириб ке-
лишининг тимсоли бўлиб, инсоният тамаддуни
тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Шунингдек,
олган ҳолда 2010 йили БМТ Бош Ассамблеяси
21 мартни Халқаро Наврўз кuni, деб эълон
қилган. Наврўз байрами БМТнинг Венадаги
бўлимида нишонланиши тарихий воқеа саналади,
чунки у илк маротаба мазкур бинода байрам
қилинди. Жан-Люк Лемахо нутқининг сўнггида
бундай шодиёналар келажакда ҳам яхши
анъанага айланишига умид билдирди.

Тадбир чоғида унинг қатнашчилари Президент
Ислом Каримовнинг Тошкентда Наврўз байра-
мига бағишланган тантанали маросимдаги табрик
сўзи билан танишдилар. Шунингдек, мазкур
маросим доирасида мамлакатимиз сармоявий
ва сайёҳлик салоҳиятининг тақдироти ҳам
бўлиб ўтди.

Байрам меҳмонлари ташкилотчи мамлакат-
ларнинг миллий таомларидан баҳраманд бўлди-
лар. Палов, сомса, чучвара, сумалак, пахлава
ҳамда Европада оммабоп бўлган куруқ мева
ва бошқа ноз-неъматлар ўзбекиона байрам
дастурхонидан жой олди.

«Жаҳон» АА,
Вена



МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Маҳалла» хайрия жамоат фон-
ди Самарқанд вилояти бўлими ва
унинг шаҳар, туман бўлимлари хо-
димларининг малакасини ошириш
мақсадида ўқув-семинар ўтказилди.

● Шарқий ҳарбий округ Сержант-
лар тайёрлаш мактаби битирувчи-
ларга сертификат ва сержантлик
кўкрак нишонлари топширилди. Шу
муносабат билан ўтказилган танта-
нали маросимда Наманган вилояти
ва туманлар ҳокимликлари, давлат
ва жамоат ташкилотлари масъул хо-
димлари, битирувчиларнинг ота-она-
лари ва оммавий ахборот воситала-
ри вакиллари иштирок этди.

● Қорақалпоғистон Республикаси
Шуманай туманида жорий йилги чи-
гит экиш мавсуми олдида фермер
хўжалиқларининг тайёргарлик ҳола-
тига бағишланган кўргазмали семи-
нар-кенгаш бўлиб ўтди. Тадбирда
хўдуддаги қишлоқ ва сув хўжалиги
мутахассислари, фермерларга хиз-
мат кўрсатувчи шохобчалар, фермер
хўжалиқлари раҳбарлари иштирок
этди.

● Тошкент вилояти ҳокимлиги, ви-
лоят табиатни муҳофаза қилиш қўми-
таси ташаббуси билан Зангиота, Ян-
гийўл ва Чиноз туманлари ҳокимлик-
лари ҳамкорлигида ўтказилган «Ке-
лажак учун бир туп дарахт» тадбири-
да «Тошкент – Термиз» М-39 автомо-
биль йўли ёқасига қарийб 25 минг туп
дарахт ва гул кўчати экилди. Тадбир-
да маҳалла фаоллари, корхона ва
ташкилотларнинг ишчи-хизматчилар-
и, кенг жамоатчилик вакиллари
ҳамда ёшлар фаол иштирок этди.

● Наманганда аҳоли бандлигини
таъминлашга бағишланган матбуот
анжумани бўлиб ўтди. Вилоят ҳоким-
лиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш, ўрта махсус, касб-
хунар таълими, матбуот ва ахборот
бошқармалари, Журналистлар ижо-
дий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкор-
лигида ташкил этилган тадбирда
бандлик дастури ижросини таъмин-
лашда меҳнат ярмаркаларидан са-
марали фойдаланилаётгани қайд
этилди.

ЖАҲОНДА

● Бирлашган Миллатлар Ташкило-
тининг Халқаро суди томонидан Япо-
ниининг китларни овлаш бўйича да-
стурида илмий мақсадлар кўзда ту-
тилмагани боис Кунчиқар мамлакат-
га китларни овлаш вақтинча таъқиқ-
лаб қўйилди.

● Чилининг шимолий қирғоқ
қисмларида баландлиги икки метр-
дан ортиқ цунами хуруж қилди.
Цунамидан огоҳлантириш бўйича
Тинч океани марказидан олинган
маълумотга кўра, цунами тўлқинлари
Чили қирғоқларида жиддий вайрона-
гарчиликларни келтириб чиқариши
мумкин.

● Кеча Нигериянинг шимоли-
шарқий қисмида амалга оширилган
навбатдаги йирик террорчилик ҳара-
кати натижасида 15 киши ҳаётдан
кўз юмди, 17 нафар одам турли
даражадаги тан жароҳатлари олди.

● 2022 йилги киши Олимпиада
ўйинларини ўтказиш ҳукуқи учун
курашаётган шаҳарлар сараланди.
Мусобақаларни қабул қилиш учун
номзодлар бешта қолди.

ОБОДЛИК ВА ЯНГИЛЛАНИШ ФАСЛИ

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқда

Озодалик ва покликка интилиш, атроф-муҳитнинг файзли,
обод ва саришталигини таъминлаш халқимиз ҳаётининг муҳим
мезонига айланган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида
шаҳар ва қишлоқларимизда олиб борилаётган кенг
кўламли бунёдкорлик ва кўкаламзорлаштириш иш-
лари туфайли юртимизда боғ-роғлар тобора кен-
гаймоқда, шаҳар ва қишлоқларимизда сўлим гўша-
лар, хиббонлар, истирохат боғлари барпо этил-
моқда. Боғдорчиликка ихтисослашган хўжаликлар
ва муассасалар ҳар йили аҳолига ушбу мақсад-
ларда фойдаланиш учун етарли миқдорда мева-
ли ва манзарали дарахт, бута ва гул кўчатлари етказиб
бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳма-
сининг жорий йил 6 мартда қабул қилинган фар-
мойиши шаҳар ва қишлоқларда ҳовли-жойларни,
хийбонларни тартибга келтириш, янги боғлар барпо
этиш борасидаги ташаббуслар кўламини янада
кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаёттир.

Шу кунларда пойтахтимиздаги кўча ва хиббон-
лар, бозорлар, таълим масканлари, майдонларни
ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлар-
и жадал олиб боришмоқда. Мамлакатимиз бош
кентининг кундан-кун чирой очиб бораётгани маз-
кур соҳа учун масъул ташкилотларда ишнинг тўғри
ва самарали йўлга қўйилгани, шу билан бирга,

юртдошларимизнинг ўз уйи, кўча-
си, маҳалласи озодаллигини таъмин-
лашга эътибори ошгани самараси-
дир.

– Ташкилотимиз томонидан обо-
донлаштириш, сугориш иншоотла-
рини таъмирлаш, марказий майдон-
лардан фойдаланиш билан боғлиқ
долзарб юмушлар тизимли тарзда
амалга оширилмоқда, – дейди ЎЗА
мухбирига Тошкент шаҳар ободон-
лаштириш бош бошқармаси бўлим
бошлиғи Ботир Ортиқхўжаев. – Асо-
сий вазифамиз шаҳримиз кўчалари ҳамда Тош-
кент катта халқа йўлига манзарали дарахтлар экиш
ва парваришлашдан иборат. Шунингдек, канал ва
кўчаларни тозалаш, йўللари таъмирлаш, бекат-
лардаги озодалликни назорат қилиш ҳам доимий
эътиборимизда.

Жорий мавсумда пойтахтимизда 270 мингдан
зиёд дарахт ва бута, 2 миллион 700 минг дона
гул кўчатлари экиш белгиланган. Уларнинг асо-
сий қисмини чиройли манзара ва соя берувчи
эман, шумтол, заранг, каштан, лола, қарағай ка-



билан ташкил этади.

Кўчат этилаётганда нафақат кўркемлиги, айна
пайтда инсон саломатлиги учун фойдаси ҳам ҳисобга
олинади. Шу боис қрим ва элдор қарағайи экишга
алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу дарахтлар ҳаво-
ни яхши тозалайди. Бир гектар майдонга экилган
игнабаргли дарахтлар 200 нафар одамни соф ҳаво
билан таъминлайди. Йўл четига экилганлари
транспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газларни
тутиб қолиб, ҳавони тозалашга ёрдам беради.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот
хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон
Миллий матбуот марказида
«Архивларда ва идоравий

архивларда кадрлар масаласи:
муаммо ва ечимлар» мавзусида
анжуман ўтказилади.

✓ **БУГУН** Чилонзор туманида-
ги 101-умумтаълим мактабида

Ўзбекистон халқ шоири Муҳам-
мад Юсуф таваллудининг 60
йиллиги муносабати билан «Ва-
тани севишни шоирдан ўрган»
мавзусида маънавий-маърифий
тадбир ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Халқаро маданият
карвон саройида Жанубий Ко-
рея рассомларининг «Ранглар-
даги тасвирлар» мавзусидаги
кўргазмаси очилди.

Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаАРХИВ ИШИ
ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Ўзархив» агентлиги бош директорининг «Ўзбекистонда архив ишининг ҳолати ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари тўғрисида»ги ахбороти эшитиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Мухаммадиев, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Маматов, «Ўзархив» агентлиги бош директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида архив ишини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Архив хужжатларини фуқаролар, жамият ва давлатнинг ижтимоий, маданий, илмий ва бошқа эътиёжларини қондиришга хизмат қилиш таъминлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Шу мақсадда архив хужжатларини рўйхатдан ўтказиш, жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, улардан фойдаланишни ташкил этиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Архив иши соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришда 2010 йил 15 июнда қабул қилинган «Архив иши тўғрисида»ги қонун ва бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим асос бўлиб хизмат қилаётди. Соҳада яратилган мукамал қонунчилик тизими архивларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, электрон архив фондларини ташкил этиш, хужжатларни қайта тиклаш ҳамда рақамлаштиришнинг замонавий усуллари билан жиҳозлашда янги истиқболларни очмоқда.

2014 йилга келиб мамлакатимизда 102 давлат, 111 идоралараро ҳужжалик ҳисобидаги шахсий таркиб хужжатлари архиви ва идоровий архивлардаги миллий архив фонди хужжатлари қарийб 9,6 миллион сақлов бирлигига ётган. Давлат архивларида миллий тарихий аҳамиятга эга бўлган 555 минг сақлов бирлигидан зиёд алоҳида ноёб хужжат тўпланган. Кейинги йилларда хорижий мамлакатлардан 2,5 мингдан ортиқ тарихий, илмий, сиёсий, маданий хужжатларнинг нусхалари олиб келинди.

Инвестиция дастури доирасида 2009-2013 йилларда 19 янги архив биноси қурилди, 5 архив биноси реконструкция қилинди. Натижада архивлар балансида бўлган бинолар 2013 йилда қарийб 95 фоизга етиб, 2,7 миллион сақлов бирлигидеги хужжатларни сақлаш имкониятини яратди.

Давлат архивлари томонидан 2013 йилда 135 мингдан ортиқ ижтимоий-ҳуқуқий сўровга жавоб берилган. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 164 фоиз кўпдир.

Тадбирда архив иши билан боғлиқ хужжатларни рақамлаштириш, марказий давлат архивларини қўшимча техник усуллар билан жиҳозлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суғурта фондларини қайта тиклаш, кадрларнинг касб билим ва малакасини ошириш, архив хужжатларининг халқаро ва мамлакат кўргазмаларини ўтказиш, соҳага оид маълумотлар электрон базаларини тўлиқ шакллантириш каби масалалар атрофича муҳокама этилди.

**Н.УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ**



Маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш давлатимизнинг доимий эътиборида.

САМАРАЛИ БОШҚАРУВНИ ЖОРИЙ
ЭТИШ ЙЎЛИДА

Айни пайтда маҳалла фаолларининг ижтимоий-сиёсий билимини ошириш, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фонднинг ҳудудий бўлими ва бўлинмалари ходимларининг касб малакасини ошириш бўйича ташкил этилаётган ўқув-семинарлари шу мақсадга хизмат қилади.

Пойтахтимизда ташкил этилган ана шундай ўқув-семинарда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳамда туман бўлинмалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларнинг амалда ўзифодасини топаётгани жамиятимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеини янада ошираётгани таъкидланди.

Янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асослари янада такомиллаштирилди. Маҳалланинг аҳолини аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланиши учун зарур ҳуқуқий асос яратилди. Шунингдек, давлат органлари фаолияти устидан жамоат назоратини амалга

ОБОДЛИК ВА
ЯНГИЛАНИШ ФАСЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кейинги йилларда бу борада амалга оширилаётган изчил тадбирлар туфайли Тошкент шаҳрида биргина ўтган йилнинг ўзида ҳавога чиқарилаётган заҳарли моддалар қарийб тўққиз минг тоннага камайган. Айни пайтда фақат манзарали дарахтлар экиш билан чекланмасдан, тегишли жойларга мева дарахт кўчатлари ҳам ўтказилмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон кўчаси ёқасига қарийб 500 донна лол дарахти экилди. У баланд бўйи ва тез ўсиши билан бошқа дарахт турларидан ажралиб туради. Бундан ташқари, гуллар экишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда уларнинг климат шароитимизга мослиги, гуллаш даври ҳисобга олинаётди. Иссиқсевар атиргуллар, салқин жойларда ҳам яхши ўсувчи сальвия гулининг ҳар хил турларини кўчалар бўйларига, Голландиядан келтирилган петуния гулининг оқ, қизил, пушти, тарам ва кўк рангли турлари марказий кўча ва майдонларга ўзига хос жозиба бағишлаши табиий. Бу гуллар эрта баҳордан кеч кузгача очилиб туриши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, кўчалар туташган ҳудудларда бир юз ўндан зиёд турли шаклдаги махсус гулхоналар яратиш мўлжалланмоқда.

Баҳор – бунёдкорлик фасли. Ҳар бир инсон ўз уйи атрофи, кўчаси озодлигини таъминласа, бутун маҳалла, қишлоқ ва шаҳарнинг, мамлакатнинг файзу баракаси ошади. Озодлик ва саришталлик одамларнинг маънавиятига, аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги, маҳалланинг файзи ва ободлигига таъсир кўрсатади. Бу борада барчамиз бир бўлиб меҳнат қилсак, орасталик ва озодлиқни кундалик турмуш тарзимизга айлантирсак, ҳаётимиз янада гўзал бўлаверади.

Сайёра ШОЕВА

ошириш тизимида маҳалланинг вазифалари кенгайтирилди.

Президентимизнинг кейинги йилларда чоп этилган асарлари, маҳалла тизимига оид қабул қилинган қонун ҳужжатлари, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар ва унинг ижросида маҳалла фаолларининг масъулияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида замонавий ахборот технологияларини жорий этишни кенгайтириш, «оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлик механизминини кучайтириш билан боғлиқ масалалар ўқув жараёнида етакчи олим ва мутахассислар томонидан иштирокчиларга батафсил тушунтириб берилди.

— Мазкур семинар маҳалла идоралари фаолиятини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади, — дейди ЎЗА муҳбирига «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Мировод тумани бўлими раиси Темур Орипов. — Энг муҳими, ўқув жараёни замонавий шакл ва услублардан, илғор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилган.

Семинарда ёшларни касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамоатчилик назоратини, табиатни муҳофаза қилишни ташкил этиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкамзорлаштириш, жамиятда барқарорликни таъминлаш бўйича бошқарув кўникмалари янада мустаҳкамланди.

Н.АБДУРАИМОВА

лик» поездлари ташкил этилган эди. Ушбу «Саломатлик» поездларининг мутахассислари томонидан 4,5 мингга яқин фуқаро чуқур тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрик билан бир қаторда «Саломатлик» поездининг фаолияти давомида вилоятдаги олтишта тиббий ва ижтимоий муассасаларга шунингдек, ўн мингдан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга манзилли равишда озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, санитария ва гигиена воситалари, жами 176,3 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди, бундан ташқари 711,4 минг АҚШ доллари тенг витамин, кийим-кечак, тиббий жиҳозлар, дори-дармон ва санитария-гигиена воситалари тарқатилди.

Навбатдаги «Саломатлик» поезди учун «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК томонидан махсус вагонлар тақдим этилиб, юқори малакали шифокорлар гуруҳи томонидан аҳолига зарур тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Малакали шифокорлар билан бирга жойларда фонднинг Навой вилояти тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ходимлари ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
ЎЗДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси**

Анжуманлар

КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАР
БЕЛГИЛАНДИ

Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги томонидан «Давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши масалалари» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш йўналишида амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, галдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизм — Адлия вазирлиги тизимида «Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш» бош бошқармаси фаолиятининг йўлга қўйилганлиги бугун ўз самарасини бермоқда. Ўтган қисқа даврда бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятида тизимли амалиёт шаклланиб, асосий эътибор, аввало, қайси соҳада қонунчилик нормаларини нотўғри, турлича талқин қилиш ва қўллаш каби ҳолатлар учраётган бўлса, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олишга қаратилмоқда.

Тадбирда сўз олган Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бекзод Мавлонов давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда қонун устуворлиги тамойилини ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга қаратилган кенг қўламли суд-ҳуқуқ ислохотлари юксак самаралар бераётганини таъкидлаган ҳолда, бу нафақат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, балки иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида ҳам ақол намоён бўлаётганлигига тўхталиб ўтди. Шунингдек, Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2012-2013 йилларда ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича маълумот бера экан, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари ва камчиликларга нафақат фаолияти ўрганилган давлат органларида, балки бошқа давлат идораларида ҳам такроран йўл қўймаслик юзасидан муҳокама этиш амалиёти йўлга қўйилганлигига эътиборни қаратди. Таъкидланганидек, ўтган йили 24 та давлат органлари тизимида қонунчиликка риоя этилиши ўрганилиб, 22 мингдан ортиқ қонун бузилиши ҳолатлари ва 8 мингдан ортиқ муаммо ва камчиликлар аниқланган. Натижаси бўйича 5та қонун ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган идоровий ҳужжатлар, 1517та ноконуний қарор бекор қилиниб, 1328 нафар мансабдор шахс интизомий, 249 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган, 46 нафар мансабдор шахс лавозимидан озод этилган, 6 та ҳолат юзасидан прокуратура органлари томонидан жиноят иши қўзғатилган.

Қонун бузилиши ҳолатларининг келгусида такрорланишининг олдини олиш мақсадида, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан идоровий ва идораларор чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича давлат органлари олдида 112 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласи қўйилган. Шунингдек, айрим давлат идораларининг қонун ҳужжатлари ижросини ташкил этиш ва таъминлаш фаолияти ўрганилиб, юридик хизматнинг роли ва масъулиятини тубдан ошириш мақсадида, «Юридик хизмат фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган ва ҳозирда такомилга етказилмоқда. Лойиҳада қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда юридик хизмат томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, уларнинг механизмлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ходимларга бўлган малака талаблари ўз аксини толган.

Бундан ташқари, давлат идоралари ва тадбиркорлик субъектларининг давлат ва жамият аҳамиятига молик дастурларни амалга оширишда ўзаро фойдали ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини белгиловчи «Давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг фикр ва мулоҳазалари асосида ҳозирда такомилга етказилмоқда. Фаолияти ўрганилган соҳа ходимларининг касбий билим ва малакаларини ошириш юзасидан жойларда туркум семинарлар ташкил этилмоқда. Амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти эса бу тизим фаолияти орқали давлат органларининг ҳар бир масъул ходимида қонун ҳужжатлари нормаларини тўғри, аниқ ва бир хилда қўллаш масъулиятини шакллантиришга қаратилган.

Матбуот анжуманида юридик хизматлар фаолиятини такомиллаштириш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни манфаатдор шахслар эътиборига етказиш, тадбиркорлик субъектларини «бир дарча» тамойили асосида давлат рўйхатидан ўтказиш масалалари юзасидан фикр — мулоҳазалар билдирилиб, журналистларнинг соаволарига атрофича жавоб қайтарилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Ижтимоий муҳофаза — амалда

«САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ:

ОЛИС МАНЗИЛЛАР САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 19 февралдаги Қарори билан тасдиқланган «Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўрсатилган чекка ҳудудлар ва туманлар аҳолисини тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари томонидан чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга манзилли мурувват ёрдамлари кўрсатиш, республикамизнинг экологик нуқул ҳудудлари аҳолисига тиббий-ижтимоий кўмак бериш мақсадида Навой вилоятининг чекка ҳудудларидаги аҳоли учун Тошкент — Навой — Тинчлик — Қонимех — Қара-қата — Мустақиллик — Қизилқудук — Бузаубай — Учқудук II — Тошкент йўналишида «Саломатлик» поездининг сафари уюштирилди. Кеча «Саломатлик» поезди сафардан пойтахтимизга қайтди.

Тадбирдан қўзланган асосий мақсад — экологик жиҳатдан нуқул шароитда истиқомат қилувчи аҳолини, айниқса, ижтимоий ҳимояга

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ҳамкорлигида «Саломатлик» поезди олис манзиллар сари» шиори остида хайрли тадбир ташкил этилди.

муҳтож оилалар, шунингдек, юрти-мизнинг чекка ҳудудларида яшаётган аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш ҳамда мурувват ҳаракатини ривожлантириш ишига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этишдан иборат.

Мазкур поезд ўз режаси давомида бориши кўзда тутилган ҳудудлардан ташқари фонднинг Навой вилояти ҳудудий филиали Тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси орқали марказий шифохоналар, вилоят болалар ва туғруқ комплекслари ҳамда кўзи ожиз, ақли заиф

ва кар-соқов болалар махсус мактаб-интернатларига ҳам тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Diva-tek», «Jahon invest plast», «Braubant technology», «Diyor biznes» сингари масъулияти чекланган жамиятлар, АҚШнинг «Ameri Cares» ва «Toms Shoes» халқаро ташкилотлари, «Дори-дармон» АК, «Remedi», «Nestle-Uzbekistan» кўшма корхоналари мазкур тадбирга хомийлик қилишди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, 2013 йил давомида Навой, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида уч маротаба «Саломат-

Ёшлар — келажакимиз



БИЛИМДОНЛАР САРАЛАНДИ

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори асосида ўқув муассасаларида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Фан олимпиадаларини ўтказишдан мақсад таълим мазмунини юқори босқичга кўтариш, умумтаълим мактабларининг истеъдодли ўқувчиларини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ўқувчилардаги ноёб фазилатларни янада ривожлантиришдан иборатдир, — дейди шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Элёр Акбаров. — Шунингдек, ўқувчиларнинг онг ва тафаккурини кенгайтириш, фанларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини янада ошириш, таълим олишнинг навбатдаги босқичига пухта тайёрлаш, касбий маҳоратини ошириш, ўқитувчилар ва ўқувчилар ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда ёшларнинг олган билимларини амалда қўлай олишига ўргатиш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифалари-

Шаҳримизда икки кун давомида 9-синф ўқувчилари ўртасида умумтаълим фанлари бўйича фан олимпиадасининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Танлов жорий йилда капитал таъмирдан чиққан, барча шарт-шароитларга эга бўлган, замонавий мебель ҳамда ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган Юнусобод туманидаги 274-мактабда ўтказилди.

дан биридир. Ушбу танловлар эса энг иқтидорли, изланувчан ва билимли, зукко ўқувчиларни аниқлаш, уларнинг қобилиятини юзага чиқариш ва рағбатлантириб боришимизда муҳим аҳамият касб этади...

Фан олимпиадасининг биринчи мактаб босқичи, 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида шаҳримиздаги 290-мактабда тўққизинчи синфлар ўқувчилари ўртасида ўтказилди. Унда жами 36852 нафар ўқувчилар иштирок этди. Иккинчи босқич ўқувчиларнинг қишки таътил кунларига тўғри келди, яъни 8-9 январь кунлари ташкил этилди. Танловда 9636 нафар ўқувчилар қатнашди.

Иштирокчилар барча фан хоналари, зарур ўқув қуроллари, компьютер техникаси, нусха кўпайтириш аппарати, принтер

билан таъминланди. Олимпиада шаҳар босқичининг адолатли ва ҳаққоний тарзда ўтишини таъминлаш мақсадида ҳакамлар ҳайъати ва кузатувчилар учун ҳам ўқув-семинар ташкил қилинди.

Танлов 17 та фандан икки турда ёзма иш ва тест синовлари асосида ўтказилди. Олимпиада натижаларига кўра фанлар кесимида 1-5 ўринларни эгаллаган 80 нафар ғолиблар аниқланди. Улар ўзлари танланган фан йўналишлари бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттириш учун муваффақиятли қадам қўйдилар.

СУРАТЛАРДА: Фан олимпиадаси шаҳар босқичидан лавҳалар

Ислом Исмоилов
олган суратлар

ҚАДРИЯТ, АНЪАНА
ВА ЁШЛАР

Айни кунларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимларида «Хар кунимиз Наврўз бўлсин!» шиори остида байрам сайиллари бўлиб ўтмоқда.

Тошкент радиотехника касб-хунар коллежида ўтказилган байрам сайли «Камолот» ЕИХ Юнусобод тумани Кенгаши томонидан уюштирилди.

Тадбирда тумандаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари бошланғич таъкилот етакчилари ва Ҳаракат фаоллари томонидан республикамиздаги мавжуд ўн иккита вилоятнинг урф-одатлари ўзига хос тарзда намойиш қилинди.

Шунингдек, охланграб куй ва қўшиқлар, жозибали рақслар, миллийлик акс этган сахна кўринишлари барчага манзур бўлди. Хар бир вилоятнинг миллий таомлари, пишириқлари ва нонлари ҳам байрам дастурхонига кўрқ бағишлади.

Сайил доирасида касб-хунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактаблари ёшлари ўртасида вилоятлар удумларини акс эттирган дастурхонлар тузаш ва баҳорий салатлар тайёрлаш кўрик-танловлари бўлиб ўтди.

Халқ уйинлари доирасида арқон тортиш, варрак учириниш мусобақалари ва миллий кураш йўналишида спорт чиқишлари ҳам уюштирилди.

— «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий лойиҳасидир. Ушбу лойиҳа доирасида хар йили Наврўз байрамида сайиллар, ўзбек маданияти ва миллийлиги акс эттирилган тадбирлар анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда, — дейди «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман Кенгаши раиси Икhtiёр Зиёдиллаев. — Ушбу лойиҳа ёшларнинг урф-одатларимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида қарашга, қадриятларимизни қадрлашга қўлайди. Ёшлар жаннатмакон юртимизнинг нурилик иштиқобидир, Улар томонидан амалга оширилаётган хар қандай эзгу мақсадлар замирида юрт тинчлиги, мамлакат равнақи ва юксалиши каби гоёлар мужассам...

«Хидир ота» гузарига эса «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Олмазор туман Кенгаши томонидан байрам сайли ўтказилди.

Тадбир давомида Наврўзни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар жамланмаси, миллийлигимизни тарғиб этувчи турли танловлар, ўйинлар, баҳорий таомлар барчага манзур бўлди.

— «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» фестивали «Камолот» ЕИХ аъзоларини, фаолларини ва барча иштирокчиларини қўли-қўлга бериб ишлашга ва ҳаракат қилишга, ўзбекона удумларимизни авайлашга қаратилган, — дейди «Камолот» ЕИХ Олмазор туман Кенгаши раиси Абдур Нозимов. — Энг қадимий ва ҳаммиса навқирон Наврўз айёмини тантана билан кутиб олиш ва нишонлаш мамлакатимизда эзгу анъаналарга айланган.

Дарҳақиқат, «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши томонидан ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшларни янада бирлаштириш ва уларнинг қалбига гўзал қадриятларни муҳрлайди. Келажакка ишонч билан қарашга, диёримизни севишга ва унга муносиб фарзандлар бўлиб улғайишга замин яратди.

Гулҷеҳра ДУРДИЕВА

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида Халқаро туризм факультети талабалари, ўқитувчилари иштирокида кўрик-танлов ўтказилди.

Танловлар

ИҚТИДОРЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Унда иштирок этган талабалар ҳакамлар ҳайъати эътиборига ўзларининг турли фанлардан эгаллаган билимларини инглиз тилида намойиш этишди. Бундан ташқари туризм соҳасида ёшларнинг эгаллаган билим ва кўникмалари ҳам инглиз тилида турли шартларда ҳакамлар ҳайъатига намойиш этилди.

Яқунда ғолиб ва совриндор бўлган талабалар рағбатлантирилди.

(Ўз мухбири)

ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Бизга маълумки, сил касаллиги ўтмишда ҳам неча-неча асрлар давомида инсонлар ҳаётига хавф солиб келган. Буюк бобоқалонларимиз Гиппократ, Абу Али ибн Сино даврда ҳам бу касаллик мавжуд бўлган, лекин унинг қўзғатувчиси номаълум эди. Немис олими Роберт Кох 1882 йилда бу жумбоққа нукта қўйиб, сил касаллигини қўзғатувчи микробни аниқлади ва унинг номини Кох бацилласи деб атади.

Сил хасталигини чақирувчи кох микробактериясидир. Бемордан соғ одамга кох микробактерияси асосан ҳаво томчи йўли орқали юқади. Сил касаллиги кўпинча ўпкани зарарлайди. Шунингдек, бу касаллик барча ички аъзолар, суяк-бўғимлар, лимфа тугунлари, мия пардалари, жинсий аъзолар, кўз ва терини шикастлаши мумкин.

Сил нафақат одамдан одамга, балки хаста ҳайвонлардан (қорамолдан) ҳам юқиши мумкин. Бугунги кунда болаларни эмлаш ишлари йўлга қўйилганлиги сабабли ўпка тўқимасининг емирилиши билан келадиган касаллик турлари кам учрайди.

Генетик текширувлар шуни кўрсатадики, сил касаллиги насл сурмаиди. Фақат микробактериялар орқали ўтади. Хасталикка чалинмаслик учун, энг аввало, тўғри, рационал овқатланиш керак. Таомларимизда оксил моддаларига бой гўшт, сут маҳсулотлари, туҳум бўлиши муҳим. Организмда оксил камайиб кетса, сил касаллигининг юқиш хавфи кучаяди. Тозаликка, санитария-гигиена қоидаларига риоя қиладиган, мунтазам равишда бадантарбия, спорт билан шуғулланади-

ган одамлар организми хасталик микробига қарши курашувчан бўлади.

Ҳозирги пайтда сил касаллигини даволаш ДОТС дастури асосида амалга оширилмоқда. Стационар шариотда икки ой, амбулатор шариотда тўрт ой силга қарши дорилар қабул қилинса, натижа ижобий бўлади. Республикада сил касаллигини даволаш бепул. Касалхонадаги жой, силга қарши дори-дармонлар, сил беморларига тиббий хизмат ҳам бепулдир. Амбулатор босқичда ҳам силга қарши дорилар ва тиббий хизмат текин.

Бутунжаҳон силга қарши курашиш кунини муносабати билан Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти, шаҳар силга қарши курашиш дис-

пансери ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши ташкилотчилигида Чилонзор туманидаги 162-умумий ўрта таълим мактабида, Чилонзор туманида жойлашган ўқув муассасалари ёшлари ўртасида «Ёшлар силга қарши» шиори остида деворий газеталар кўрик-танлови ўтказилди. Бундан мақсад айнан ёшликдан сил касаллигининг олдини олиш, ёшларнинг билим даражаларини ошириш, ўзлари чизган расмлари орқали бошқаларга сил касаллигининг хавфли омилларини кўрсатишдан иборат.

Тадбир якунида ғолибларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Даврон НУРМАТОВ

Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги олдидан

ВАТАНПАРВАРЛИК
ТАРАННУМИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Муҳаммад Юсуф ижодида ватанпарварлик гоёлари» мавзусида он-лайн мулоқот ўтказилди.

Халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтиришда бадий адабиётнинг ўрни беқиёс. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ёрқин истеъдоди, бетакрор асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан адабиётимиз равнақида катта ҳисса қўшди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори шоир хотирасини абадийлаштиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, шоир қаламига мансуб истиқлолимиз, озод ва обод ҳаётимиз тараннум этилган, ўқувчи қалбида ватанпарварлик, мардлик, инсонпарварлик туйғуларини тарбиялайдиган шеърлар халқимизнинг маънавий мулкига айланган.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида ўтказилаётган «Камолот»да меҳмонда» лойиҳаси доирасидаги он-лайн мулоқотда бу жиҳатлар алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиiddин Сайид, Икбол Мирзо, шоирнинг турмуш ўртоғи Назира Саломова ижодкор ҳақидаги хотиралари, эсдаликлари, фикр ва соғинчларини баён қилди.

— Ватан ҳақида қаламкаш зоти борки ёзган, ёзаяпти, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Сайид. — Бироқ «Осмонга буй чўзган октерак ўлка!» ёки «Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга, Римни алишмасман бедопаюнгга» дейишининг гаши ўзгача.

Он-лайн мулоқотда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи, хорижда таҳсил олаётган, www.kamolot.uz веб-сайтида рўйхатдан ўтган 5 мингга яқин ўғил-қиз, веб-сайтининг доимий ўқувчилари, адабиёт ихлосмандлари ўз савол ва мулоҳазалари билан иштирок этди.

Глобал тармоқ инсон онгига салбий таъсир қилувчи зарарли, маъносиз ахборотлар билан тўлиб-тошиб, жамият, айниқса, ёшлар онгига зўравонлик, дангасалик, вақтни бекорга совуриш каби иллатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлаётган бир даврда, маънавий-маърифий гоёлари тарғиботи билан он-лайн оламда ўз ўрнини топиб бораётган «Камолот»да меҳмонда» лойиҳаси интернет фойдаланувчилари учун айна муддао бўлди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

ИЖОДИЙ КЕЧА

Президентимизнинг «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорини мамлакатимизда адабиётга катта эътибор қаратилаётганининг бир исботи деб айтиш мумкин.

Айни пайтда жойларда шоир ҳаёти ва ижодида бағишланган тадбирлар, маънавий-маърифий йўналишдаги давра суҳбатлари ва ижодий кечалар уюштирилмоқда.

Мирзо Улугбек туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказида Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Мирзо Улугбек Ўқув СТК унитар корхонаси томонидан ташкил этилган тадбирда ўзбек халқининг сеvimли шоири Муҳаммад Юсуфнинг шоғирди Дилмурод Қосимов ҳамда Ўзбек миллий академик драма театрининг ёш актёри Шукржон Юсуф каби таниқли ижодкорлар ва ўқувчи-ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб шеърлари ёшлар ифодали ўқилди.

— Устоз шоир Муҳаммад Юсуф шеърлари содда ва инсон қалбига осон йўл топа оладиган, чуқур мазмунга эга тарзда ёзилган, — дейди тадбирда иштирок этаётган ёш шоирлардан бири Нурбек Ғофуров. — Муҳаммад Юсуф ўзбек халқининг ватанпарвар, халқпарвар, ватанин ардоқлаган шоирларидан бири ҳисобланади. Унинг қолдирган бой меросини ёш авлодга ўргатиш бизнинг бурчимиз.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф юртга муҳаббат, Ватан қадрини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифлаб ўзининг содда сатрлари билан элу юртнинг қадду бастини юксак кўрсата олган десак муболага бўлмайди.

Тадбир давомида шоир қаламига мансуб шеърлар бўйича яратилган қўшиқларни ёш хонандалар қўлаб, қатнашчиларга қувонч улаштирди.

Зафар НАЗАРОВ

МУСИҚАЧИЛАР
ТАНЛОВИ

Республика ихтисослаштирилган musiқа ва санъат академик лицейида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида musiқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида «Санъат ғунчалари» республика ёш musiқачилар кўрик-танлови ўтказилди.

Юртимиз ёшларини етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг ватанпарварлик руҳида камол топишларини таъминлаш, иқтидор ва қобилиятларини тўла намойиш этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш борасида муҳим вазифалар амалга оширилмоқда. Кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи ёшларни жалб этиш орқали санъатнинг кўлаб турларини кенг тарғиб этишдан иборатдир. Бу каби тадбирлар шубҳасиз, ёш истеъдодларга имконият эшикларини очиб беради. Баркамол авлод — Ватанин эртаси, бахти бўлган индек, Ватанини улуғлаш хар бир инсон учун шарафдир. Мазкур танлов иштирокчилар учун ҳақиқий тантаналар, musiқа ва санъат байрамга айланди, десак муболага бўлмайди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги musiқа мактабларида таълим олувчи вилоят босқичларида ғолибларни қўлга киритган жами 250 нафарга яқин ёш иқтидорли musiқачилар

ўзаро беллашдилар. Танлов Республика ихтисослаштирилган musiқа ва санъат академик лицейи ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси кичик залида зарбли ва дамли чолға асбоблари ижро йўналишида 9 ёшдан 13 ёшгача бўлган кичик гуруҳ, 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган катта гуруҳдан тузилган musiқачилар ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Иштирокчилар маҳорати тажрибали ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланиб борилди.

Танлов дастлаб дамли, кейин зарбли чолғулар йўналишининг кичик гуруҳлари бўйича асарлар ижросидан бошланди. Сўнгра ёғоч дамли ҳамда мис дамли чолғулар бўйича катта гуруҳларнинг II босқич танлови ўтказилди.

Яқуний натижаларга кўра, танловнинг олий соврини — Гран-прига Республика ихтисослаштирилган musiқа ва санъат академик лицейининг 7-синф ўқувчиси, 13 ёшли Шохсанам Жуманиёзова сазовор бўлди. Ғолиб ва совриндор ўқувчилар «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Дилмурод РАХИМОВ



Шайхонтохур туманида «Ҳоким кубоги учун» гимнастрада спорт мусобақаси финал босқичининг ўтказилишидан ҳам туман аҳолисининг барча қатламлари, айниқса хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини фаол тарғиб қилиш, фарзандларимизни баркамол авлод этиб тарбиялаш, туманнинг барча ҳудудларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ишларини жадал давом эттириш, шунингдек, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ҳамда олий ўқув юрталарида тахсил олаётган ўқувчи ва талаба-ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб улғайишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш каби хайрли мақсадлар кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, спорт — тинчлик элчиси. У тил, миллат, ёш танламайди. Бирлашиш учун сарҳад, чегара билмайди. Ўтказилган гимнастрада спорт мусобақаси ҳам тумандаги 3 ёшдан 80 ёшгача бўлган ҳаваскор спортчиларни бирлаштириш билан бирга, фуқароларнинг, айниқса қизлар-

нинг спортга бўлган улкан қизиқишини янада оширди десақ муболага бўлмайди.

Таъкидлаш кераки, мусобақалар тўртта йўналиш бўйича ўтказилиб, саралаш босқичида иштирок этган 46 та мактабгача таълими муассасасидан энг кучли тўрттаси финалгача етиб келди ва бунда 84-МТМнинг «Олимпиада» болажонлар жамоаси галаба нашидасини сурди.

Мактаблараро мусобақаларда эса 38 та мактаб жамоалари ўртасида ўтказилган саралаш элагида 5 та кучли команда финалга йўлланма олди ва 20-умумтаълим мактабининг «Наврўз» жамоаси кучлилар орасида энг кучли бўлди.

Учинчи йўналиш бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юрталари ўзaro баҳс юритиб, жами 17 жамоадан 6 таси ҳал қилувчи беллашуларда иштирок этди. Бунда солиблик Тошкент Ислам университетининг «Замон» жамоасига натижа бўлди.

Махаллалар жамоалари ўртасидаги баҳслар ҳам жуда қизиқарли кечди. Жамоалар таркибида ҳатто, 76, 78 ёшли

спортсевар кишиларнинг борлиги ҳам мусобақанинг нақадар оммавий тус олганидан далolat беради. Қувонарли томони шундаки, финал босқичида қатнашган учта маҳалла орасидан ғолиб чиққан «Янгиобод» маҳалласининг «Эъзозли аёллар» жамоаси таркибида ҳам шундай ёши улуг аъзолар борлигига қарамай, зафар қучгани ўзига хос ибратдир.

Ғолибларни қутлаш учун туманда истикомат қилувчи ҳар хил спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионлари билан бир қаторда танқили санъаткорлар ҳам таширф буюришди.

Ғолиб жамоаларга дипломлар, анъанавий кўча Ҳоким кубоги, туманда фаолият олиб бораётган давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг совринлари, шунингдек, ҳар бир қатнашчига эсдалик совғалари топширилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

СУРАТДА: Шайхонтохур туманида ўтказилган гимнастрада мусобақаларидан лавҳа

Юртбошимизнинг «Соғлом бола — аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Спорт ана шундай оилаларни шакллантирадиган энг яхши воситалардан биридир», дея таъкидлашларида жуда кенг маъно-мазмун мужассам. Зеро, каттаю кичик спортга, соғлом турмуш тарзига ошно бўлган оилалар доимо аҳил ва ҳамжиҳат бўлади, бундай оилалардаги фарзандлар ҳам соғлом ва дуркун ўсади.

Хайрли ташаббус

СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Спорт ангилликлари

КУЧЛИ БИЛАКЛАР ТЎҚНАШУВИ

Пойтахтимизда армрестлинг бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Катталар ўртасида ўтказилган мазкур чемпионатда аёллар етти та вази тоифасида, эркеклар эса ўн битта вази тоифасида ўзaro кураш олиб бордилар.

Чемпионатда Умиджон Аҳмедов, Бобур Беканов, Султон Нейматуллаев, Ислам Бахронов каби Осиё ва жаҳон чемпионатларида ғолибликка эришган спортчиларнинг иштирок этгани мусобақанинг кескин курашларига бой ўтганидан далolat беради.

— Жорий йилда биз бир қатор нуфузли мусобақаларда иштирок

этамиз, — дейди Ўзбекистон армрестлинг федерацияси бош котиби Курбон Қўнишев. — Жумладан, 24-28 июнь кунлари Япониядаги Осиё чемпионатида, сентябрь ойида эса Литвада ўтайдиган 36-жаҳон чемпионатида қатнашамиз. Шунингдек, йил давомида Гран-при мусобақалари ва бир нечта халқаро турнирларда иштирок этамиз. Мазкур чемпионатда ғолиб бўлган полвонлар ушбу нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Аёллар ўртасида ўтган баҳсларда ўнг ва чап қўлларда Азиза Саидова, Дилдора Уринова, Ситора Ҳўжамова ва Каби Навоий вилоти вакиллари ғолиб чиқди.

Эркеклар баҳсида тошкентлик Обид Салимов, Отабек Усмонов, навоийлик Улмас Муҳиддинов, Тошкент вилотидаги Нуриддин Болтабоев, фарғоналик Равшан Олимов, самарқандлик Мухаммад Нейматуллаев ва кўрсатишди.

Маълумки, келгуси йилнинг январиди Австралияда футбол бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ушбу нуфузли турнирда Ўзбекистон миллий терма жамоаси «В» гуруҳида Саудия Арабистони, Хитой ҳамда Шимолий Корея терма жамоаларига қарши ғолиблик учун кураш олиб боради.

Албатта, нуфузли мусобақада муваффақият қозониш учун назорат-ўртоқлик баҳсларида футболчилар маҳоратини ошириб бориш лозим.

Жорий йилнинг 25-27 май кунлари Уммон миллий терма жамоаси Тошкентга келади. Гап шундаки, Ўзбекистон — Уммон миллий терма жамоалари шу кунлари назорат-ўртоқлик учрашувларида ўзaro куч синашилади.

ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШАДИ

Пойтахтимизда қиличбозлик бўйича катталар ва ўсмирлар ўртасида уюштирилган Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг бошқа вилотлари спортчилари мусобақани шпига йўналиши баҳслари билан якунлашди.

Қизиқарли кечган беллашувлар якунида аёллар орасида Малика Ҳакимовага тенг келадиган спортчи топилмади. Ўсмирлар ўртасида эса Фарҳоджон Усмонов шохсупанинг

энг юқори поғонасини эгаллади.

Яқунда турли йўналишларда ғолиб ва совриндор бўлганлар рағбатлантирилди. Энди мамлакат биринчилиги ғолиб ва совриндорлари Болгарияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз сафида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Россия пойтахти Москва шаҳрида самбо бўйича уюштирилган навбатдаги жаҳон чемпионати ҳамюртимиз Исможон Азимовга омад келтирди.

ИСЛОМЖОН — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Курраи заминнинг кўпгина давлатларидан келган самбо усталари қатори ғолиблик учун ўз вази тоифасида кураш олиб борган Исможон Азимов биринчи ўрин ғолиби бўлди ва олтин медаль билан тақдирланди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Тадбирлар

ЁШЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

Тошкент юридик коллежи ўқувчилари Республика Олий суди фаолияти билан яқиндан танишишди.

Республика Олий судида коллеж талабаларига Истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришнинг аҳамияти ҳақида соҳа ходимлари томонидан батафсил маълумот берилди. Бундан ташқари ёшлар Республика Олий суди фаолияти билан беvosита танишиш имкониятига эга бўлишди. Республика Олий суди тарихи музейи қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси қошидаги мактаб-интернат курсантлари, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир Соғлом бола йилига бағишланди.

Унда иштирок этган курсантлар ҳакамлар хайъатига ўзларининг расм чизиш бўйича маҳоратларини намойиш этишди. «Ҳарбий ижодкорлар» деб номланган ушбу кўрик-танлов ёшлар орасида рассомликка астойдил ихлос қўйган маҳоратли курсантлар борлигини исботлади.

Танлов якунида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди. (Ўз муҳбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ойнанинг ҳар биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 2-а уй манзилида жойлашган бинода тадбиркор субъектларининг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилишини маълум қилади.

БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ

«Тошхавтарансхизмат» акциядорлик компаниясининг ТХСНБ «Тошхавтарансхизмат» давлат унитар корхонаси (ИНН 202786638, манзил: А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй) ўз номини «Тошхавтарансхизмат» акциядорлик компаниясининг ТХСНБ «Тошхавтарансхизмат» унитар корхонаси деб ўзгартирганини маълум қилади. ТХСНБ «Тошхавтарансхизмат»га нисбатан даъволар икки ой ичида кўриб чиқилади. Тел. 236-01-35, 233-80-21.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси пульмонология бўлими мудири Фуқрат Муҳиддинов Шамсиевнинг турмуш ўртоғи тиббиёт фанлари доктори, профессор **Турдиқон Икромовна ШАМСИЕВ**нинг вафот этганини муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



ЎЗИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 3 ва эртаб 4 апрелда Тошкент шаҳрида об-ҳаво шароити 3 апрел кунги ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик зарари моддаларнинг бир бўлмайди. Шарқдан се-кундига 3-8 метр тезлик-да шомол эсади. Ҳарорат феранинг ифлосланиш кечаси — 4-6 даража даражаси 1-3 фойз пайсийлик, кундузи — 20-22 ишчи тахмин қилинмоқда, даража иссиқ бўлади. тағмиқдори паст бўлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 6 май кун соат 11:00 да бўлиб ўтайдиган объект бошланғич баҳоси олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Чилонзор туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 22 ноябрдаги 10-1312/16439-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 65-уйда жойлашган, умумий майдони 667 кв.м. бўлган, беш қаватли бинонинг ертўла қисмидаги телевизор таъмирлаш устанонаси. Бошланғич нархи — 212 500 000 сўм.

2. Мирзо Улугбек туман СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманлараро судининг 2013 йил 18 майдаги 1-4832/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусовд тумани, Г.Умарова 1-берк кўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий ер майдони 314 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 135,29 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи — 66 927 000 сўм.

Юқоридеги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида беvosита жойига чиқиш танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафта-нинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунидан кўра соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95.
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр курсатки — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12137 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 456

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.00